

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИК
ТАЪМИНОТИ
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи:

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ	3
МАЪРУЗА МАТНИ	10
Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассислари умумкасбий ва маҳсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот	10
АМАЛИЙ ВА КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР	19
Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.....	19
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	27

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

С.С.Гулямов

“_____” 2015 йил

**МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ
ДИДАКТИК ТАЪМИНОТИ МОДУЛИНИНГ**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси ОТМ таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларидан дарс берувчи педагоглар учун

Тошкент – 2015

Модулнинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2015 йил 7 январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Тузувчилар:

Акромов У Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш кафедра мудири доценти Умидов Ш- Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш кафедраси доценти.

Тақризчилар:

Файзиев Ж- Тошкент давлат аграр университети Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш кафедраси доценти, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Ўқув дастурлари Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (2014 йил 27-ноябрдаги 7-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илфор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассислар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим – тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

I. Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминоти” модулининг мақсади: модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини қишлоқ хўжалигидаги билимларини такомиллаштириш, фаннинг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.
“Мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминоти” модулининг вазифалари:

- Мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминоти фанларини ўқитиш жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологиясидаги таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- фан бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини

ишлиб чиқиши ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминоти” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлиш технологияси йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асосларини;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлиш технологияси йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича инновацияларни;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлиш технологияси соҳасидаги сўнгги ютуқларни;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлиш технологияси йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илфор хорижий тажрибаларни;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлиш технологияси йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини билиши керак.
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлиш технологияси йўналиши фанларидан электрон ўқув материалларини яратадиги олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлиш технологияси йўналиши педагогларида касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўнимларига эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “ Мева ва сабзавотларни сақлаш ва дастлабки қайта ишлиш усулларининг модернизацияси”, “Пахта хом ашёсини сақлаш ва дастлабки қайта ишлишда инновацион технологиялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотидаги муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптималь ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				
			Жами	Назарий	Амалий	Машғулот	Кўчма
1.	Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси фанининг замонавий концептуал асослари. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот.	2	2	2			
2.	Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти.	2	2		2		
3.	Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси	2	2			2	
	Жами:	10	6	2	2	2	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки иглаш технологияси фанининг замонавий концептуал асослари. Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот.

(2 соат)

Режа:

- Давлат таълим стандартларининг тоифалари.
- Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар.
- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.
- Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартлари.
- Ўқув режаси.
- Ўқув фани дастури, унияратиш ва такомиллаштириш тамойиллари

Мевачилик ва узумчилик фанининг замонавийлигини таъминлаш мақсадида яратилган концепциялар. Фанларнинг жозибалиигини

таъминлашда дидактиканинг ўрни. Дидактик материаллар тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва усуллари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти.

(2 соат)

Режа:

1. Ўқув адабиётларининг шакллари.
2. Ўқув адабиётларининг турлари.
3. Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар.
4. Ўқув машғулотларининг моддий-техник таъминоти.

Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, билим оловчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фан бўйича ўз дарсликлари бўлади. Дарсликда назарий маълумотлардан ташқари, амалий-тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилади.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Мавзу. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. (2 соат)

Тингловчилар ОТМ гурухларида амалий машғулотда иштирок этиб дидактик материаллардан фойдаланилади ва малакалари такомиллаштирилади.

Мустақил таълим мавзулари

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларидан дидактик материаллар тайёрлаш йўллари
2. Дон маҳсулотларини қайта ишлашда замонавий технологиялари
3. Бойитилган ун навлари ишлаб чиқариш технологияси, уни бойитишда қўлланиладиган қўшимча хом ашёлар, бойитилган уннинг аҳамияти ва ишлатилиши.
4. Технологик омилларнинг дон маҳсулотлари сифатига таъсири. Донга гидротермик ишлов бериш тартиби.
5. Ёрма турлари ва уларни замонавий усулда ишлаб чиқариш технологияси.
6. Сабзавот ва меваларни сақлаш даврида рўй берадиган физиологик жараёнлар.
7. Мева, узум ва сабзавотларни бошқариладиган газ муҳити шароитида сақлаш.
8. Сабзавот ва меваларни совутгич омборларда сақлаш.
9. Мева-сабзавотларни қайта ишлашга қаратилган сўнги йиллардаги ислоҳотлар
10. Узумдан тиндирилган шарбат олиш технологияси.

- 11.Бехидан шарбат олиш технологияси.
- 12.Сабзавотларни сиркалаш технологияси.
- 13.Сабзавотларни микробиологик усулда консервалаш технологияси
- 14.Қовунни қуритиш технологияси.
- 15.Мева-сабзавотларни тезкор-сунъий усулларда қуритиш технологияси.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон миллий истиқлол, истеъдод, сиёсат, мафкура, 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Биздан обод ва озод ватан қолсин, 2-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлида, 4-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
8. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, «Ҳалқ сўзи», 1998 й., 15 май 2- бет.
9. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
- 10.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
11. Бўриев Х.Ч, Жўраев Р., Алимов О. Дон маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлов бериш. Амалий машгулотлар. – Т.: 2002.
12. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Дала экинлари маҳсулотларини сақлаш ва уларга дастлабки ишлов бериш. – Т.: УзМЭ, 2004.
13. Бўриев Х.Ч., Жўраев Р., Алимов О. Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш. – Т.: Мехнат, 1997.
14. Мирхаликов Т.Т., Айходжаева Н.К., Сайдхўжаева М., Абдиқаюмов З.А. Дон ва дон маҳсулотларини сақлаш. – Т.: Мехнат, 2004.
15. Турсунхўжаев Т.Л. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси. - Т., 2006.
16. Хайтов Р.А. ва бошқалар. Дон ва дон маҳсулотларини сифатини баҳолаш ҳамда назорат қилиш. – Т.: Ўзбекитон, 2000.
17. Шаумаров Х.Б. Исламов С.Я. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва бирламчи қайта ишлаш технологияси. Тошкент, 2011.

МАЪРУЗА МАТНИ

Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлар учун яратилган дидактик таъминот.
Режа:

1. Давлат таълим стандартларининг тоифалари.
2. Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар.
3. Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.
4. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартлари.
5. Ўқув режаси.
6. Ўқув фани дастури, унияратиш ва такомиллаштириш тамойиллари.

КИРИШ

ДИДАКТИКА [юн. didaktikos - ибратли; ўргатувчи, таълим берувчи]

Педагогиканинг таълим ва ўқитиши назарияси (мақсади, мазмуни, қонуниятлари ва тамойиллари), умумий метод ва шакллари ҳақидаги бўлими. *Дидактика деганда, умуман, ҳар қандай фандан билим бериши жараёнида таълимнинг ташкилий жиҳатлари тушунилади.*

Дидактик таъминоти уч турга бўлинади:

- 1) *Меъёрий-ҳуқуқий таъминот;*
- 2) *Ўқув-услубий таъминот;*
- 3) *Моддий-техник таъминот.*

МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНОТ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТЛАРИ Стандартларнинг тоифалари

Олий таълим стандартлари қўйидаги тоифаларга бўлинади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:

- Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;
- Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори.
- Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:

- бакалавриат йўналишлари давлат таълим стандартлари;
- магистратура мутахассисликлари давлат таълим стандартлари.

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти Асосий қоидалар

Олий таълимнинг давлат таълим стандартикадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйиладиган умумий талабларни, таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли билим даражаси ҳамда олий таълим

муассасалари битирувчиларига қўйиладиган умумий малакавий талабларни, ўқув юкламасининг ҳажмини, таълим муассасалари фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиботлари ҳамда механизмини белгилайди.

ОТ ДТС ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга соловчи тегишли норматив хужжатлар (бакалавриат йўналишлари, магистратура мутахассислари учун давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурлари ва бошқалар) яратиш учун асос ҳисобланади.

ОТ ДТС олий маълумотли кадрлар тайёрлашда идоравий бўйсуниши ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

ОТ ДТСга Кадрлар тайёрлаш миллий [дастури](#) босқичларини амалга ошириш жараёнида, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқсан ҳолда тузатишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Олий таълим йўналишлари ва мутахассислари классификатори


Олий таълим йўналишлари ва мутахассислари классификатори олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисларининг тизимлаштирилган рўйхати ҳисобланади.

Классификатор Ўзбекистон Республикасининг ахборотларни кодлаш ва таснифлаш ягона тизимининг таркибий қисмидир.

Унда олтита билим соҳаси назарда тутилган:

1. Гумантар соҳа.
2. Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳукуқ.
3. Ишлаб чиқариш ва техник соҳа.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги.
5. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот.
6. Хизматлар соҳаси.

Классификаторда таълим босқичлари, билим ва таълим соҳалари, таълим йўналишлари ва мутахассислари еттига рақамли код билан белгиланади:



- мутахассислик коди;
- йўналиш коди;
- таълим соҳаси коди;
- билим соҳаси коди;
- таълим дастурлари босқичи коди.

Таълимнинг халқаро стандарти классификациясига биноан таълим босқичлари бакалавриат йўналишларида 5 рақами, магистратура мутахассисликларида - 5А (ракам ва харф) билан белгиланган. Масалан: бакалавриат йўналишлари коди - 5140100, 5210100, 5310100 ва ҳоказо; магистратура мутахассисликлари коди- 5A140101, 5A210101, 5A310101 ва ҳоказо.

• **Йўналиш** - 5-босқичнинг таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «бакалавр» академик даражаси доирасида касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришни таъминловчи таянч ва фундаментал билимлар, уқувлар ва кўнималар мажмуаси.

• **Мутахассислик** - 5А-босқичнинг таълим дастури бўйича олий таълим муассасаси битирувчиси томонидан эгалланган ва бериладиган «магистр» академик даражаси доирасида касбий фаолиятнинг муайян турини бажаришни таъминловчи аниқ мутахассислик бўйича билимлар, уқувлар ва кўнималар мажмуаси.

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти таълимнинг бакалавриат муайян йўналиши ёки магистратура мутахассислигига қўйиладиган малака талаблари, таълим мазмуни, бакалавр ёки магистр тайёргарлигининг зарурий ва етарли даражасини, кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш даражаларини белгилайдиган этalon даражаси ҳисобланади.

Муайян бакалавриат йўналиши давлат таълим стандарти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- зарварак (титул);
- мундарижа;
- қўлланилиш соҳаси;
- атамалар, таърифлар, қисқартмалар;
- таълим йўналишининг тавсифи;
- муайян таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг тавсифи;
- макалаврнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар;
- таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари;
- бакалавриатнинг асосий таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича амалга ошириладиган шароитларга белгиланган талаблар;
- бакалавр тайёрлаш сифатини баҳолаш;
- эслатма;
- давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати;
- илова;
- библиографик маълумотлар;

Ўқув режаси

Ўқув режаси олий таълимнинг муайян йўналиши ёки мутахассислиги бўйича ўқув фаолияти турлари, ўқув фанлари ва курсларининг таркиби,

уларни ўрганишнинг изчиллиги ва соатлардаги ҳажмини белгилайдиган норматив ҳужжат ҳисобланади.

Ўқув режа асосида олий таълим муассаси ҳар йили ишчи ўқув режасини тузади. Бунда олий таълим муассасасига талабалар юкламасининг ҳафталик ҳажмини сақлаган ҳолда ўқув фанлари блоки ҳажмини 5 фоизгача, блоклар таркибидаги фанлар ҳажмини 10 фоизгача ўзгартириш хуқуки берилади.

Олий таълимнинг бакалавр босқичида ўқув режалар умумий ўрта ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабанинг қуидаги бешта мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва ижтимоий-иктисодий;
- математик ва табиий-илмий;
- умумкасбий;
- ихтинослик;
- қўшимча.

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Кундузги ўқиши шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 32 соат қилиб белгиланиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуидагича тақсимланади:

- назарий таълим —65-70 фоиз;
- аттестация— 9-10 фоиз;
- таътил — 13-16 фоиз;
- малака амалиёти —6-8 фоиз;
- битирув иши —2-3 фоиз.

Назарий таълим ҳажми билим соҳаларига қараб фанлар блоклари бўйича қуидагича тақсимланади:

- гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар — 23-25 фоиз;
- математик ва табиий-илмий фанлар— 8-25 фоиз;
- умумкасбий фанлар— 33-50 фоиз;
- ихтинослик фанлари— 9-10 фоиз;
- қўшимча фанлар — 5-7 фоиз.

Магистратура ўқув режалари бакалавриат таълим дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуидаги учта мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

- умумметодологик фанлар;
- мутахассислик фанлари;
- илмий фаолият.

Магистратурада барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54

соат қилиб белгиланади. Кундузи ўқиши шакли учун аудитория машғулотлари ва илмий фаолиятнинг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланиши лозим. Ўқишининг норматив муддати икки йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 100 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуидагича тақсимланади:

- назарий таълим — 30-40 фоиз;
- аттестация — 4-7 фоиз;
- таътил — 13-16 фоиз;
- илмий фаолият — 40-50 фоиз.

Илмий фаолият қуидагилардан иборат бўлиши лозим:

- илмий-тадқиқот ишлари — 53-57 фоиз;
- илмий-педагогик ишлар — 28-22 фоиз;
- магистрлик диссертациясини тайёрлаш — 19-21 фоиз.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб фанлар блоклари бўйича қуидагича тақсимланади:

- умумметодологик фанлар — 30-45 фоиз;
- мутахассислик фанлари — 55-70 фоиз.

Ўқув фани дастури

Ўқув фани дастури таълим мазмуни, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилишининг энг мақбул усуслари, ахборот манбалари кўрсатилган норматив ҳужжатdir.

Фанлар бўйича намунавий ўқув дастури услубий-меъёрий ҳужжат бўлиб, давлат таълим стандартининг бакалавр ёки магистр билими, укуви ва кўникмаларига муайян фан бўйича қўйилган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Фан дастурининг асосий **мақсади** - муайян фан бўйича давлат таълимстандартларида бакалавр (магистр)нинг билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талабларга мувофиқ меҳнат бозори талабларига жавоб берувчи, таълим сифатини ошириш, таълим-тарбия жараёнида илм-фан, техника ватехнологиялар соҳасида эришилган ютуқларни тарғиб этиш, инновацион ваюқори (педагогик, ахборот коммуникация) технологияларни татбиқ этишни, замонавий ўқув адабиётлари ва дидактик материаллар билан таъминлашний ўлга қўйиш ҳамда республика иқтисодиётининг реал тармоқларига қобатбардош кадрлар тайёрлаш сифатини юксалтириш.

Фан дастурининг асосий **вазифаси** - талаба-ёшлар таълим-тарбиясининг шакллантирилиши, ўқув машғулотлари мавзуларининг мантиқий кетма-кетлигини таъминлаш, миллий ғояни сингдириш, тарихий қадриятларга таяниш, илм-фан, техника, технологиянинг энг сўнгги ютуқларини мунтазам ёритиб бориш, олий таълим тизими ривожланишина борашорат этишда жаҳон андозалари ва тажрибаларини инобатга олиш ҳамдаузлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ваузлуксизлигини таъминлаш. Булардан

ташқари таълим олувчиларнинг мустақил билим олиши, изланиши ҳамда касбий кўникумга ҳосил қилиши учун имконият яратиш ва таълим хизматлари турларини кенгайтиришга хизмат қиласи.

Намунавий дастур фан, техника, технологиянинг сўнги ютуклари, узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни таъминлаши, унда мавзууларнинг мантиқий кетма-кетлигига, оддийдан мураккабликка, хусусийликдан умумийликка ўтиб бориш тамойилларига амал қилиниши шарт.

Фан дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсусстаълим вазирлиги томонидан белгиланган таянч ОТМлари профессор-ўқитувчилари томонидан турдош ОТМлари вакоҳанинг таниқли мутахасисларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқилади. Фан дастурларининг ДТС талабларига мос ҳолда ишлаб чиқилишига таянч олий таълим муассасаси масъул ҳисобланади.

Фан дастурининг кириш қисмида ўқитиладиган фаннинг долзарблиги, соҳанинг тарихи, жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилишдаги аҳамияти ва ўрни, фаннинг мақсади ва вазифаларида ўқитишнинг асосий мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлигиочиб берилади.

Асосий қисмда услугбий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги ҳамда ўқитиш турлари (маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари), ўқитишнинг интерактив услублари ва воситалари кўрсатилади. Фанни ўқитишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш, таълим жараёнини оптималлаштириш учун омил бўладиган механизмлари кўрсатилади. Таълим-тарбия жараёнида назарда тутилган касбий (квалификацион) амалиётларга оид ўқув-услубий тавсиялар белгиланиши лозим.

Фан дастурларида ўқув жараёни учун зарур техник воситалар, ахборот-ресурс марказидаги тегишли ўқув адабиётлари, дидактик воситалар, ашёлар ва бошқа моддий-техник база тўғрисида маълумотлар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Фан дастурининг титул ва рақасида Классификатор бўйича тегишли билим, таълим соҳалари ва таълим йўналиш (мутахассислик) ларнинг шифри ва номлари ҳамда ҳаракатдаги ўқув режага мувофиқ фаннинг тўла номи кўрсатилади.

Фан дастурининг яратилишига масъул кафедранинг номи, муаллифлар ва тақризчилар тўғрисида асосий маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, илмий даражаси ва унвони), тасдиқка тавсия этувчи илмий-услубий тузилмаларнинг баённомаси рақами ва санаси кўрсатилади.

Фойдаланиладиган манбалар рўйхатига асосий дарслик ва ўқув қўлланмалардан ташқари қўшимча адабиётлар ва Интернет манбаларидан фойдаланиш ҳам киритилади.

Фан дастурида қўйидагилар батафсил ёритилиши шарт:

- кириш;
- мақсади ва вазифалари;

- фан бўйича билим, кўнишка ва малакага эришилишига қўйиладиган талаблар;
- фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатидан узвийлиги ва кетма-кетлиги;
- фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни;
- фанни ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ахборот ва педагогик технологиялар (фаннинг ўқув машғулотлари лойиҳалари);
- асосий қисми (маъruzalар);
- амалий, семинар ва лаборатория машғулотларнинг мавзулари;
- мустақил таълим мазмуни;
- барқарор ривожланиш таълими моҳиятини сингдириш;
- курс иши (лойиҳа), чизма-ҳисоблар ва уларни бажарилиши бўйича услубий кўрсатмалар;
- асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар (Вазирлик ҳузуридаги Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан гриф берилган ёки ОТМ илмий кенгаши томонидан тавсия этилган ўқув адабиётлари асосий адабиёт ҳисобланиши) ҳамда қўшимча адабиётлар рўйхати.

Фан дастурини яратиш ва такомиллаштириш тамойиллари:

- фан дастури тасдиқланган Давлат таълим стандарти ва ўқув режасида белгиланган ўқув машғулотлари (маъруза, семинар, лаборатория ва курсишлари (loyiҳalari) ва ш.к.), мустақил таълим, уларга ажратилган вақт меъёрларига мослигини таъминлаш шартлиги;
- таянч (базавий) ОТМларнинг етакчилигида ҳамда масъулияти остида яратилиши;
- яратилишида турдош олий таълим муассасалари, Фанлар Академиясининг тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларнинг етук мутахассислари жалб этилган холда ижодий гурухлар шакллантирилиши ва руйхати вазирликка тақдим этилиши шарт.

Фан дастурларини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун қуидаги босқичлардан ўтади:

- Фан дастури давлат рўйхатига олинган ДТС ва ўқув режаларидағифанларга мос ҳолда ишлаб чиқилади ва уларқайта ишланишида (такомиллаштирилишида) мос равища ўзгартиришларкиритиши мумкин.
- таянч олий таълим муассасасининг тааллуқли кафедраси ва ОТМ Илмий кенгашининг қарори ва расмийлаштирилган баённомалари;
- турдош олий таълим муассасалари билан келишув баённомаси;
- иш берувчи корхона ва ташкилотлардан олинган, тақризлар, хulosалар ва таклифлар (модернизациялашган бўлиши мақсадга мувофиқ);

- Фанлар Академиясининг тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг тақризи (хulosаси) ва тавсияномаси.

Танқидий фикрлар билдирилган тақдирга уларни бартараф этилганлиги. Ишчи фан дастурларини:

- Таңдикланган фаннинг ўқув дастури асосида олий таълим муассасалари жойлашган мінтақаның ҳудудий хусусиятларини инобатта олган ҳолда, ҳар бир ўқув йили учун фанларнинг ишчи ўқув дастури ишлаб чиқилади ва Олий таълим муассасасининг Илмий кенгаші ёки рухсат этилган Илмий кенгаш қарорлари билан тасдиқланади.

Фаннинг ишчи ўқув дастури давлат рўйхатига олинган фанларнинг ўқув дастурларига мос ҳолда яратилади ва улар қайта ишланишида (такомиллаштирилишида) тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга асосан ўзгартиришлар киритиш мумкин:

- мустақил таълим мазмуни;
- Олий таълим муассасасининг тааллуқли кафедраси ва ОТМ Илмий кенгашининг қарори ва расмийлаштирилган баённомалари;
- иш берувчи корхона ва ташкилотлардан олинган тақризлар, хulosалар ва таклифлар (модернизациялашган бўлиши мақсадга мувофиқ);
- Иш берувчи (буюртмачи) ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқса, белгиланган меъёрлар асосида қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мумкин;
- Фанлар Академиясининг ҳудудий филиалларининг тармоқ илмий-тадқиқот институтларининг тақризи (хulosаси) ва тавсияномаси;

Танқидий фикрлар билдирилган тақдирда уларни бартараф этилганлиги.

Намунавий дастур асосида яратилган ишчи ўқув дастурида аниқ мавзулар, уларга ажратилган соатлар, мавзулар бўйича қўлланилувчи дидактик ва техник воситалар, мавзулар ва бўлимлар бўйича билимни назорат қилиш турлари ҳамда тегишли услубий тавсиялар аниқ кўрсатилади. Шунинг учун ишчи дастурнинг ҳажми чекланмайди.

Фан дастурлари Вазирлик қошидаги олий ва ўрта маҳсус-касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашма ёки ўқув-услубий комиссияларининг хulosасига кўра Мувофиқлаштирувчи кенгаш тавсиясига асосан Вазирликнинг буйруғи билан тасдиқланади ва рўйхатга олинади.

Дастурнинг бир нусхаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига, бир нусхаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказида этalon сифатида сақланади.

Тасдиқланган ва рўйхатга олинган фан бўйича ўқув дастурларининг электрон версиялари ёки нусхаси таалуқлиги бўйича таянч олий таълим муассасалари томонидан барча олий таълим муассасаларига етказилади.

Фанлар бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш Тартибига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва бекор қилиш Вазирликнинг

буйруғи асосида амалга оширилади.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар;
2. Олий таълим йўналишлари ва мутахассислари классификатори.
3. Олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланадиган олий таълим стандартлари:

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
2. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.
3. Белкин А.С., Жаворонкова В.Д., Зимина И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.
4. Бўриев Ҳ.Ч. Мевачилик электрон дарслиги. 2003.
5. Бўриев Ҳ.Ч. Ҳаваскор боғбонларга қўлланма. Т., 2002.

АМАЛИЙ ВА КЎЧМА МАШГУЛОТЛАР

Инновацион ўқув машғулотларининг методик таъминоти. Ўқув машғулотларини инновацион дидактик материаллар асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикаси.

Режа:

1. Ўқув адабиётларининг шакллари.
2. Ўқув адабиётларининг турлари.
3. Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар.
4. Ўқув машғулотларининг моддий-техник таъминоти.

1.Ўқув адабиётларининг шакллари

Ўқув адабиётлари - муайян таълим тури (йўналиши ёки мутахассислиги) ўқув режасида қайд этилган фанлар бўйича тегишли ўқув дастурлари асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси ёритилган (шу жумладан, хорижий таржималар) манба бўлиб, икки хил шаклда тайёрланади:

- **Анъанавий (босма) ўқув адабиётлар** - таълим олувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятлари, маълумотлар ҳажми, шрифтлари, қофоз сифати, муқова тури ва бошқа қўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда қофозда чоп этиладиган манба;
- **Электрон ўқув адабиётлар** - замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирлаш, янгилаш, сақлаш, билимларни интерактив усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба.

2.Ўқув адабиётларининг турлари

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ўқув-тарбиявий жараёнида ўқув адабиётларининг қуидаги турлари қўлланилади: дарслик, ўқув қўлланма, луғат, изоҳли луғат, маълумотлар тўплами, маъruzalар курси, маъruzalар тўплами, методик қўрсатмалар, методик қўлланмалар, маълумотлар банки, дайжест, шарҳ ва бошқалар.

Дарслик - давлат таълим стандартлари, ўқув дастури, услубияти ва дидактик талаблари асосида, миллий ғоя ва маънавий қадриятларимиз сингдирилган, муайян ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган, тегишли фан асосларини мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган ҳолда, фанга тегишли билимларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўнишка ва малакаларни шакллантиришга, керакли ўқув материалини мустақил излаш ва топишга, ҳамда амалий фаолиятда қўллашни ўргатиш ҳамда ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Ҳар бир таълим турининг мақсад ва вазифаларини қамраб олган, билим олувчиларнинг ёши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир фан бўйича ўз дарсликлари бўлади. Дарсликда назарий маълумотлардан

ташқари, амалий-тажриба ва синов машқлари бўйича зарур кўрсатмалар берилади.

Тегишли таълим турлари учун Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ёки ваколатли Кенгашларнинг грифи) томонидан ўқув адабиётига берилган гувоҳнома, ўқув режаларда кўрсатилмаган (танлов ва қўшимча) фанлари учун таълим муассасасининг Илмий кенгаши қарори асосида чоп этилган нашр.

Ўқув қўлланма - дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва фан асосларининг чуқур ўзлаштирилишини таъминловчи, айрим боб ва бўлимларни кенг тарзда ёритишга ёки амалий машқ ва машғулотлар ечимиға мўлжалланган тегишли таълим турлари учун Мувофиқлаштирувчи Кенгаш (ёки ваколатли Кенгашларнинг грифи) томонидан ўқув адабиётига берилган гувоҳнома, ўқув режаларда кўрсатилмаган (танлов ва қўшимча) фанлари учун таълим муассасасининг Илмий кенгаши қарори асосида чоп этилган нашр.

Ўқув қўлланмада муайян мавзулар дарсликка нисбатан кенгроқ ёритилади. Масалан, "Механика" физика фанининг механика қисмига бағищланган ўқув қўлланма. "Физикадан масалалар тўплами" - физика фани бўйича масала ва машқлар ечишга мўлжалланган ўқув қўлланма ва ҳоказо.

Луғат - аниқ бир тартибда жойлашган сўзлар (ёки сўз бирикмаси ва ҳоказо) тўплами, уларнинг мазмуни, ишлатилиши, келиб чиқиши, бошқа тилдаги таржимаси тўғрисида маълумот берувчи ёки сўзниң тушунчаси, у билан белгиланувчи предметлар ҳакида ахборот берувчи таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр.

Изоҳли луғат - сўзларнинг мазмунини изоҳлайдиган, ҳар бир сўзниң грамматик, этиологик ва стилистик тавсифи берилган, уларни қўллашга оид мисоллар ва бошқа маълумотлар келтирилган, қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр.

Маълумотлар тўплами - фойдаланишга қулай шаклда яратилган муайян фанни ёки таълим йўналишини ўзлаштириш учун зарур бўлган, исбот талаб қилмайдиган маълумотлар, илмий кўрсаткич ва ўлчамлар, турли белги ва рақамлардан, илмий, ижтимоий-сиёсий, амалий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги қисқа маълумотлардан ташкил топган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр.

Маълумотлар тўпламида бир қатор муҳим илмий-амалий масалаларни ечиш намуналари келтирилиши мумкин.

Маъruzalар курси - фаннинг ўқув дастури бўйича маъruzalар курсининг номи тегишли фан номи билан аталган, ундаги барча мавзуларнинг асосий мазмуни қисқа ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга

тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этилган нашр.

Маърузалар тўплами - муайян фаннинг ўқув дастури бўйича ундаги айрим мавзуларнинг асосий мазмунни киска ёритилган, бирламчи янги билимларни олишга қаратилган, фойдаланиладиган асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар кўрсатилган, ўз-ўзини назорат қилишга оид саволлар туркуми, мавзуга тегишли таянч атама ва иборалар келтирилган, даврий равишда илмий-тадқиқот изланишлар асосида янгиланиб туриладиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси бўйича чиқариладиган кичик ададда нашр қилинган тарқатма материал.

Услубий қўрсатма - муайян фаннинг ўқув дастури бўйича курс ишлари (лойихалари), лаборатория ва амалий ишларни бажариш тартиби аниқ ва батафсил ифодаланган ҳамда ушбу фан бўйича талабаларда зарур амалий кўнилмалар ҳосил қилишга мўлжалланган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида нашр этиладиган кичик ададли тарқатма материал.

Услубийкўлланма - ўқитувчилар (профессор-ўқитувчилар) ва билим олувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда бир дарснинг мақсади, дарс ўтиш воситалари ва улардан фойдаланиш усуллари, дарснинг мазмунни, амалий машғулотлар, қўшимча топшириқлар ва бошқалар ҳақида тавсиялар баён қилинадиган, таълим муассасаларининг илмий (педагогик) кенгаши тавсияси асосида чоп этиладиган нашр.

Шарҳ - жамият тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган меъёрий-хуқуқий хужжатларни, шунингдек, баҳсга лойиқ асарларни, гояларни, фикрларни ва таърифларни изоҳловчи, муайян масалалар ечимини кўрсатувчи, кенг оммага мўлжалланган қўшимча адабиёт сифатида фойдаланиладиган нашр.

Дайжест - илмий, илмий-услубий, ўқув, даврий адабиётлар, хукumat ва турли ташкилотлар фаолиятига тегишли қонунлар, қарорлар, низомлар мазмунининг қисқача баёни ва шарҳи келтирилган, соҳаларга оид маълумотлар тўплами сифатида фойдаланиладиган доимий нашр.

Электрон дарслик - компьютер технологиясига асосланган ўқув услубини қўллашга, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб:

- ўқув ва илмий материаллар факат вербал (матн) шаклда;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;
- мультимедиа (кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни маълумот уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;
- тактил (хис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини "экран оламида" стерео нусхаси тасвирланган реал оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан харакатланиш тасаввурини яратадиган шаклда

ифодаланади.

Маълумотлар банки - ахборот технологияларнинг имконияти ва воситалари асосида яратилган. Статик ва динамик режимда тузилган, товуш ва рангли тасвирлар билан таъминланган, катта ҳажмдаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ва уларни турли кўринишда (жадвал, диаграмма, гистограмма, матн, расм ва ҳоказо) бера оладиган, ўкув жараёнида билим олувчилик томонидан ўз устида мустақил ишлиши ва ўз билимларини назорат қилиши учун қўлланиладиган, доимий равишда тўлдириб бориладиган, кенг доирада фойдаланишга мўлжалланган, тегишли ваколатли давлат ташкилотида қайд этилган соҳалар бўйича маълумотлар тўплами.

Методик тавсиялар - таълим ва тарбиянинг самарали усулларини амалда татбиқ этиш бўйича қисқа ва аниқ баён этилган таклифлар мажмуудан иборат методик нашр. Методик тавсияларда ўкув жараёнига үқитишининг интерактив усуллари, педагогик технологиялардан амалда фойдаланиш бўйича тавсиялар назарий жиҳатдан эмас, балки кўпроқ амалий намуналар асосида босқичма-босқич берилиши мақсадга мувофиқ.

Монография - илмий тадқиқотлар натижалари асосида яратилган босма нашр.

Электрон нашр (ЭН) - бу графики, матнли, рақамли, нутқли, мусиқали, видеофото ва бошқа ахборот обьектларидан иборат бўлган жамланмаси ҳисобланади. ЭН магнитли (магнит тасмаларда, магнит дискларда), оптик (CD-ROM, CD-1, CDK, CD-R, CD-RW, DVD) электрон ахборот ташувчи воситаларида ҳамда компьютер тармоғида тақдим этилиши мумкин:

Электрон ўкув нашри - таълим олувчилик томонидан билимлар, кўникмалар ва маҳоратларни ижодий ва фаол эгаллашларини таъминлайдиган илмий-амалий билим соҳасига мос равишдаги тизимлаштирилган ўкув материалга эга бўлган электрон нашр.

Электрон луғат - анъанавий «қоғозли» луғатга мос келувчи электрон ахборот манбаи. Компьютер версияда сўз ёки сўзлар гуруҳига маҳсус ажратилган кўрсатма билан исталган дастурдан чиқарилиши мумкин. Анъанавий луғатлардан фарқли равишда электрон луғат матн ва графикавий тасвирлар билан бир қаторда видео ва анимацион лавҳалар, товуш, мусиқа ва бошқалар билан бирга медиа-объектларнинг бутун спектрларини ўз ичига олиши мумкин.

Электрон услубий қўлланма - педагогик тажрибани умумлаштириш ва узатиш ҳамда таълим фаолиятининг янги моделларини шакллантириш ва тарқатиш шакли. Электрон услубий қўлланмада педагогик тажриба машғулот-ларнинг рақамлаштирилган видео-лавҳалари, электрон ёки унга ўгирилган шаклда яратилган ўкувчилик ишларини дарслар бўйича режалаштирилган шаклида кўрсатилади.

Электрон ўкув қўлланма - фаннинг ўкув ҳажмини қисман ёки тўлиқ қамраган ва ахборотнинг адаптация блокини ўз ичига олган бўлиб, масофавий үқитиши ва мустақил ўрганиш учун мўлжалланган.

Электрон маъруза - интерактив элементлар ва гиперузатишларни қўллаб, ўқув фани маъруза материалини намойиш қилувчи мультимедик тизим.

3. Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар

Умумий талаблар

Таълим турларининг хусусиятларидан ва нашр шаклидан қатъий назар барча ўқув адабиётлар қўйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

- давлат таълим стандартлари (давлат талаблари) асосида тайёрланиши;
- таълим-тарбия жараёнига ҳамкорлик педагогикаси ва ўқитишининг интерактив услубларини татбиқ қилишда кўмак бериши;
- тегишли ўқув фанининг назарий ва амалий ривожланишида, узоқ ва яқин ўтмишдаги бой интеллектуал меросимизнинг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиши;
- интеллектуал инсонпарварлик ғояларининг акс эттирилиши, инсоннинг табиат ва ижтимоий ҳаётда ўта масъулиятлилигини англатишига қаратилиши;
- ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантириши, мустақил ва ижодий фикрлашга йўналтириши; маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириши, таълим ва тарбия узвийлигини таъминлаши;
- билимларни онгли равища ўзлаштириш, қизиқиш уйғота оладиган ва мустақил фикрлашга йўналтира оладиган хусусиятларга эга бўлиши;
- билим олувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга қаратилиши, мустақил таълим олишга қизиқиш уйғотиши;
- юқори даражада умумлаштирилган ва замонавий илмий билимларга асосланган маълумотлар (қонунлар, айниятлар, таснифлар ва ҳоказо) дан ташкил топиши; иллюстрацияларга бой, қўргазмали тасвир ва бадиий-услубий жиҳатдан амалий фаолиятга қаратилган бўлиши;
- билим олувчиларнинг ёши психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиши;
- билимларнинг мутлоқлиги ва нисбийлигини ёрқин ифодалashi;
- таълим олувчиларнинг билими, уқуви ва кўникмаларини назорат қилиш имкониятига эга бўлиши;
- таълим ва тарбияни ижтимоий ҳаёт, унумли меҳнат билан узвий боғланишига эътибор бериши;
- фан ва техника ютуқларининг аҳамиятини ифодалashi, илмий масалаларнинг мантиқий кетма-кетликда, фаннинг ўқув дастурига мувофиқ баён этилиши;
- яхлитликни идрок қилиш ҳисси шаклланиши учун барча маълумотлар мантиқий бир тизимда берилиши;
- матн жозибаси шаклида баён этилиши.

Асосий тушунча ва хулосаларнинг таърифлари ниҳоятда аниқ ва равshan ёзилиши, атамаларнинг умумийлигига эришилиши.

Санаб ўтилганлардан ташқари ҳар бир таълим турининг ўқув адабиётларига ўзига хос бўлган талаблар қўйилади.

- ўқув дастурига тўла мос келадиган ва ундағи мавзуларни тўлалигича қамраб оладиган шаклда ёзиш;
- мавзуларнинг соддадан мураккабга томон ўсишини, ҳамда ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

-расмлар, графиклар, жадваллар, схема ва диаграммалар берилган маълумотлар ва тушунтиришлар билан узвий боғланган бўлиши керак;

-дарслиқдаги такрорланувчи тушунчаларга ва риоя қилиниши керак бўлган қоидаларга эътиборни жалб этиш мақсадида маҳсус белгилардан фойдаланиш зарур.

- фан, техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларининг инобатга олиниши;
- Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидағи ўқувчиларнинг билимга бўлган эҳтиёжларини ва миллий хусусиятлар, турли маданиятларнинг ҳисобга олиниши;
- ўқувчилар ёши, савияси ва психо-физиологик хусусиятларини инобатга олиниши, ўғил ва қизларнинг қизиқишлирини тенг равишда ва тўла даражада ҳисобга олиш каби онгли тарзда тузилган мисоллар ва далиллар мавжудлиги.

Олий таълимнинг бакалавриат ва магистратура босқичларида ўқитиладиган фанлар ва уларга тегишли ўқув адабиётларнинг мазмун-моҳияти нихоятда чуқур илмий-услубий, юқори сифат кўрсаткичларда бўлиши тақозо этилади:

- ўқув адабиётлардаги ҳар бир боб ёки мавзунинг мазмуни тушунарли, илмий ғоя ва тушунчалар моҳияти аниқ ва равshan баён этилиши;

-матнни хотирада сақлашни осонлаштириш, мавзулар ихчам чизмалар, турли тасвирий ифодалар, жадвал ҳамда расмлар билан таъминланиши;

-аниқ ва табиий фанлар бўйича илмий тушунча ва ғоялар, қонун ва қонуниятлар, тарихий ҳодиса ва ижтимоий жараёнларнинг ҳаётийлиги;

- таҳлилий муносабатнинг етарли даражада бўлиши;

-муаллиф ва талаба ўртасида фикрларнинг мантиқий баёни жараёнида ўзаро боғлиқлик таъминланиши;

- мавзуларнинг бир-бирига мантиқан боғлиқлиги ва кетма-кетлигининг сақланиши;

-дарслиқда амалий ва тажриба машғулотларни бажариш ҳамда машқларни ечиш бўйича услубий кўрсатмалар берилиши, матн, иллюстрация ва графиклар ёрдамида билим олиш орқали кенгайтирилган амалий кўнималарни шакллантириш имконияти бўлиши лозим.

- ўқув мақсадлари ва вазифаларининг аниқ белгиланиши;

-назарий ва амалий мазмуннинг ўзаро мақбул ва боғлик ҳолда тақсимланиши;

- фанлараро ва фан ичида ўзаро боғлиқликни таъминланиши; -мазмун жуда ишончли ва салоҳият билан ёритилиши керакки, унда муаллифларнинг фан, техника ва технологиялар сўнгги ютуқларидан фойдаланганлиги кўриниб турсин;

- мазмун далиллардан намуналарга, намунадан-фаразга, фараздан-изланишга, изланишдан-амалий қўллашга, абстракт-илмий билимдан-аниқ касбий билимга, билимдан-амалий қўникмага ўтишни таъминланиши;
- фанни үқитиш технологияси ёки методикасига мос келиши;
- ўқув материалида атроф-муҳит, ифлосланиш ва уни тозалашнинг ҳал қилиш йўллари акс эттирилиши;
- топшириқлар ва лойиҳалар талабаларни индивидуал ёки кичик гурӯҳларда ишлаш имкониятини бериш;
- тасвирий материаллардан максимал фойдаланиш, динамик жараёнларни ўрганишни осонлаштириш мақсадида электрон таълим воситаларини (мультимедиа, анимация, виртуал стендлар ва х.к.) дарсликка қўшимча материал сифатида илова қилиш;
- ўқув материалларида талабаларни фаол бўлиш ва танқидий фикрлашга ундаш ва уларнинг фанга бўлган қизиқишлигини кучайтирувчи жиҳатларининг мавжуд бўлиши;
- талабаларнинг ўз билим ва қўникмаларини текширишлари учун назорат саволлари ва тестлар билан таъминланиши, уларнинг дастурлаштирилган электрон версияларини қўшимча материаллар таркибиға киритиш;
- касбий характерга эга бўлган ва талабалар мустақил ишлашлари учун мўлжалланган муаммоли саволлар, топшириқлар, машқлар, лойиҳалар билан таъминланиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятларининг яратилиши.

4.Ўқув машғулотларининг моддий-техник таъминоти Ўқув жараёнининг моддий-техника базаси бўйича талаблар

Бакалавр тайёрлашнинг асосий таълим дастурини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган ва амалдаги санитар, ёнғинга қарши қоидалар ҳамда меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак. Бу моддий-техник база фанлар ва фанлараро тайёргарликнинг ҳамма турларини, ўқиётганларнинг лаборатория, амалий ва илмий-тадқиқот иши ўтказилишини таъминлаши керак.

Бакалавр дастурини амалга ошириш учун минимал зарур бўлган моддий-техникавий таъминот рўйхати қўйидагиларни ўз ичига олади:

- маъруза (поток ёки гурӯҳлар) аудиториялари;
- семинар машғулотлари учун аудиториялар;
- илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лабораториялар.

Мавжуд моддий база қўйидагиларни таъминлаши керак:

- иллюстратив материалларни намойиш қилиш учун турли аппаратуралар - лаборатория ишлари дастурига мос равища жиҳозлар – базавий фанлар бўйича лаборатория-амалий ишларни бажариш;
- лабораториянинг амалга оширилаётган илмий мавзусига мос равища жиҳозлар – ихтисослик (максус) фанлар бўйича лаборатория ишларини

бажариш;

- ахборот тизимларидан фойдаланиш учун компьютерлар – семинар машғулотларини ўтказиш, лингафонли кабинетлар – хорижий тиллар бўйича машғулотлар.

Ўз-ўзини назорат қилиш саволлари:

1. Ўқув адабиётларининг шакллари.
2. Ўқув адабиётларининг турлари.
3. Ўқув адабиётларига қўйиладиган талаблар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Олий таълим. Меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар тўплами. 1 ва 2-жилд. Т.: “Tafakkur-bo`stoni”, 2013.
2. Олий таълим. Меъёрий-хуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами. Т.: “Истиқдол”, 2004.
3. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. 1 ва 2-қисм. Т.: “Шарқ”, 2003.
4. Олий ва ўрта махсус, касб-таълими тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 2 августдаги 278-сонли буйруғига 1-илова).
5. Республика олий таълим тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини яратиш бўйича муаллифлар таркибини шакллантириш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 2 августдаги 278-сонли буйруғига 2-илова).
6. Кадрлар тайёрлаш йўналишлари бўйича ўқув жараёнининг ўқув-услубий, моддий-техник таъминотига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиши ТАРТИБИ.(Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 15 январдаги9-сонли буйруғига 1-илова).

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Модулли үқитиши нима?

- a) Иқтидорли талабаларни үқитиши
- b) Тингловчиларни күзата олиш, улар билан индивидуал шүғулланиш, уларда фикрлаш қобилиятыни ошириш
- c) машғулотни монолог эмас, диалог қўринишида ўтказиш
- d) муайян таълим йўналиши блоки бўйича үқитиши

2. Қўйида келтирилганлар орасидан дидактик таъминотга қўйиладиган талабларни белгиланг: 1) ўқув курсини ўзлаштириш учун ахборотларнинг тўлиқлиги ва етарли ҳажмда бўлиши; 2) педагог ва талабаларнинг биргаликдаги интеллектуал-эмоционал ўзаро ҳаракати мазмуни ва усулларининг вариативлиги; 3) интерфаоллик, диалоглик, муаммолилик, амалий йўналтирилганлик; 4) ишлаб чиқилган ахборотларнинг оригиналлиги ва тартибга солинганлиги.

- A. 1,2,3,4
- B. 2,3,4
- C. 2,4
- D. 1,2,4

3. Дидактик таъминот тузилмаси қандай блокларни ўз ичига қамраб олади?

- A. Информацион, амалий, коррекцион
- B. Информацион, амалий, технологик
- C. Коррекцион, назорат, психологик
- D. Ташкилий, методик, инновацион

4. Қўйидагилардан қайслари маъруза-семинар тизимининг асосий шаклларига киради? 1) лаборатория; 2) маъруза; 3) фан тўгараклари; 4) семинар; 5) амалий; 6) олимпиада

- A. 1,2,4,5
- B. 2,3,5,6
- C. 1,2,3,5
- D. 1,2,4,6

5. Режа тузиш, уларни баён этиш..... Бу ерда гап метод ҳақида бораяптими ёки усул ҳақидами?

- A. Шакл
- B. Метод
- C. Метод ва усул
- D. Усул

6. Автоматлашган, ўрганиб қолинган, муайян усул билан бехато бажариладиган ҳаракат нима деб аталади?

- A. Малака
- B. Билим
- C. Қобилият
- D. Кўникма

- 7. Қайси қаторда дидактик таъминотнинг тузилиши түғри күрсатилған?**
- A. Ўқув дастурлари, ўқув-методик нашрлар, дидактик материаллар, ўқитиши воситалари
 - B. Ўқув дастурлари, маъруза матнлари, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ва мустақил таълим ишланмалари, назорат ва баҳолаш учун топшириқлар, фанни ўқитишига доир ташкилий күрсатмалар
 - C. Ташкилий, таълимий, назорат ва коммуникатив
 - D. Коррекцион, бошқарувга доир, назорат ва коммуникатив
- 8. Қайси қаторда методик таъминотнинг тузилиши түғри күрсатилған?**
- A. Ўқув дастурлари, маъруза матнлари, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар ва мустақил таълим ишланмалари, назорат ва баҳолаш учун топшириқлар, фанни ўқитишига доир ташкилий күрсатмалар
 - B. Ўқув дастурлари, ўқув-методик нашрлар, дидактик материаллар, ўқитиши воситалари
 - C. Ташкилий, таълимий, назорат ва коммуникатив
 - D. Коррекцион, бошқарувга доир, назорат ва коммуникатив
- 9. Дидактик таъминот функциялари түғри күрсатилған жавобни топинг.**
- A. Ташкилий, таълимий, назорат ва коммуникатив
 - B. Илмий тадқиқот натижаларини амалиётда қўллаш, умумлаштириш ва трансляция, кундалик методик ёрдам
 - C. Коррекцион, назорат, психологик
 - D. Информацион, амалий, коррекцион
- 10. Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишларга нималарни киритиш мумкин?**
- A. Конспектлаштириш, адабиётлардан реферат тузиш, китоб ва мақолаларга аннотация ёзиш, доклад, реферат ва назорат иши.
 - B. Маъруза машғулотларида бажариладиган мустақил ишлар
 - C. Анъанавий ва инновацион
 - D. Амалий машғулотларда бажариладиган мустақил ишлар
- 11. Ахборот излаш ва унга ишлов беришга доир мустақил ишларга нималар киради?**
- A. Реферат-шарҳлар ёзиш, мавзу билан боғлиқ сайтларга тақриз ёзиш, маълум мавзуга доир тармоқдаги мавжуд рефератларни таҳлил этиш, уларни баҳолаш
 - B. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини жорий, оралиқ ва якуний назорат қилишнинг турли шакллари
 - C. Ўқув фани бўйича дидактик материалларнинг мавжудлиги: аудио-видео материаллар, компьютер дастурлари
 - D. Ўқув дастурлари, ўқув-методик нашрлар, дидактик материаллар, ўқитиши воситалари
- 12. Инновацион мухит шароитида педагог қандай ролларда намоён бўлади?**
- A. Тьютор, фасилитатор, ингилатор
 - B. Профессор-ўқитувчи, аналитик, фасилитатор

- C. Тьютор, тренер, модератор
- D. Тарбиячи, мураббий

13. Силлабус – бу...

- A. Фанни ўрганишга доир талаба учун дастур
- B. Информацион турдаги материаллар мажмуюи
- C. Амалий турдаги материаллар мажмуюи
- D. Назорат туридаги материаллар мажмуюи